

---

## Электр энергиясидан оқилона ҳамда қонуний фойдаланишни тарғиб қилишга қаратилган тадбирлар ўтказилмоқда

Учкўприк туманида электр энергиясидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида кенг қамровли тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Бу борада кечки рейдлар ташкил этилиб, фойдасиз ёниб турган чироқлар ва ортиқча энергия сарфига олиб келаётган рекламаларни ўчириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мазкур тадбирлар давомида аҳоли ўртасида электр энергиясини тежашнинг аҳамияти ва афзалликлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилиб, электр энергиясидан оқилона фойдаланишнинг нафақат иқтисодий, балки экологик жиҳатдан ҳам муҳимлиги юзасидан истеъмолчиларга тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Учкўприк тумани электр тармоқлари корхонаси барча турдаги электр энергияси истеъмолчиларини электр энергиясидан фойдаланишда масъулиятли бўлишга ва фойдасиз ёниб турган чироқларни ўз вақтида ўчириб қўйишга чақиради.

2024-12-12 14:10:51